



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2023  
3-сон



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 3-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Таҳририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**  
и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

**Бош муҳаррир  
ўринбосари:**  
профессор **Д.Х.Асланова**

**Масъул котиб:**  
профессор **М.Қ.Пардаев**

**Муҳаррирлар:**  
**Ф.А.Сафаров**  
**Ш.З.Ўрозов**

**Техник муҳаррир:**  
**А.Н.Холиқулов**

**Корректор:**  
**С.А.Бабаназарова**

**Саҳифаловчи:**  
**Ҳ.Н.Очилова**

1 йилда 4 мартаба  
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида  
тарқатилади.**

**Таҳририят манзили:**  
140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,  
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53  
эл.почта:

samisiservis@inbox.uz

**Таҳририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

**Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар  
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

**Таҳрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-  
тика қўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғоибназаров** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

**О.М.Муртазаев** – ТДИУ Самарқанд филиали директори,  
иқтисод фанлари доктори, профессор

**М.Р.Болтабаев** – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва  
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМШИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ каф. мудири, и.ф.д., профессор

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори в.б., и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ кафедра мудири, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ декани, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ доценти, и.ф.д.

## МУНДАРИЖА

<b>НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ</b>	
<b>Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Мурод Муҳаммедович Муҳаммедов</b> Иқтисодиёт – инсоннинг юксак тафаккур маҳсули	5
<b>Umar Xudayberdiyev, Sevara Abdinazarovna Babanazarova</b> Aholi daromadlari va ularni ko‘paytirish yo‘llari.	11
<b>Shao Junling</b> Analysis of the role of institutional frameworks in promoting the qualitative development of the economy of the region " Belt and Road"	14
<b>Kudratjon Bakhtiyorovich Dilmanov</b> Characteristics of human power	17
<b>Bekjon Shukurillayevich Musayev</b> Oliy ta‘lim xizmatlarini targ‘ib qilishning nazariy asoslari	21
<b>Ашур Али Рустам ўғли Латипов</b> Маҳаллада янги иш ўринларини яратиш ва бандликни оширишдаги қулайликлар ва имкониятлар	27
<b>ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ</b>	
<b>Тимур Ибодуллаевич Ибрагимов</b> Инновацион товарларни бозорда силжитишнинг ўзига хос жиҳатлари	33
<b>Шохрухбек Жаҳонгирович Расулов</b> Развитие нового содержания финансов в условиях инновационного развития экономики	36
<b>САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>Отабек Джурабаевич Джурабаев</b> Определение направлений оптимизации операционной стратегии и повышения экономического потенциала хлопково-текстильных кластеров	42
<b>Умар Худайбердиев, Нилуфар Зиябаевна Юлдашова</b> Ўзбекистонда чорвачилик маҳсулотларини етиштиришдаги муаммолар	46
<b>Жамолиддин Ярашевич Нуриллаев</b> Влияние экономической либерализации на производство и эффективность продукции в мировом овцеводстве и каракулеводстве	49
<b>Лариса Алишеровна Мусабаева</b> B2B маҳсулотларининг мижозлар капиталини таркибий-функционал таҳлил қилиш амалиёти	53
<b>ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС</b>	
<b>Shoxista Abdugapparovna Mamasoliyeva</b> Tibbiy xizmatlar ko‘rsatuvchi muassasalar boshqarish tizimini samaradorligini oshirishni iqtisodiy mexanizmlari tahlili	58
<b>Машхур Исмоналиевич Акбаров, Кудрат Шухратович Искандаров</b> Темирўл транспортида йўловчи ташиш сервис хизматларини баҳолаш ва такомиллаштириш йўллари	64
<b>Мурод Максудович Паязов</b> Темир йўл транспорти хизматлар тизимидаги бошқарув механизмининг моҳияти ва ривожлантириш методологияси	70
<b>Зарина Муродовна Муҳаммедова</b> Хизматлар соҳасининг тармоқлар бўйича таркибий тузилишини такомиллаштириш асосида инвестицион ресурслар самарадорлигини ошириш	76

6. Hanover Research (2014). Trends in Higher Education Marketing, Recruitment, and Technology. [ebook]
7. Hayes, T. (2007). Delphi study of the future of marketing of higher education. Journal of Business Research, 60, 927-931.
8. Hewitt, F., & Clayton, M. (1999). Quality and complexity lessons from English higher education. International Journal of Quality & Reliability Management, 16(9), 838-858.
9. Kotler, Ph., Fox, K.F.A. (1985), Strategic Marketing for Educational Institutions, Prentice Hall, 396 p.
10. Кривцова М.Н. Специфика и виды информационно-рекламных источников в профориентационной работе вузов // Молодой ученый. 2016. № 8. С. 1274-1276.
11. Maslowsky, C. (2013). Five Ways Higher Education Marketing Will Change in 10 Years. The EvoLLLution. Retrieved 20 July 2016.

<b>Б.Мусаев</b>	<b>В.Мусаев</b>
<b>Теоретические основы продвижения услуг высшего образования</b>	<b>Theoretical foundations for the promotion of higher education services</b>
<p><b>Аннотация:</b> В данной статье на основе теоретических представлений, изложенных в научных трудах, объясняются причины конкуренции между высшими учебными заведениями, важность, актуальность и необходимость продвижения услуг высшего образования среди потребителей.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> высшее образование, образовательные услуги, маркетинг, маркетинг-микс, интернет-маркетинг, цифровой маркетинг, продвижение, маркетинговые коммуникации, абитуриент, студент, родители, преподаватели.</p>	<p><b>Abstract:</b> This article, based on theoretical concepts set out in scientific works, explains the reasons for competition between higher education institutions, the importance, relevance and need to promote higher education services among consumers.</p> <p><b>Keywords:</b> higher education, educational services, marketing, marketing mix, internet marketing, digital marketing, promotion, marketing communications, applicant, student, parents, teachers.</p>

Ашур Али Рустам ўгли Латипов – СамИСИ мақсадли таянч докторанти

### МАҲАЛЛАДА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИНИ ЯРАТИШ ВА БАНДЛИКНИ ОШИРИШДАГИ ҚУЛАЙЛИКЛАР ВА ИМКОНияТЛАР

**Аннотация:** мақолада маҳалладаги янги иш ўринларини яратиш ва бандликни оширишда яратилган қулайликлар ва имкониятлар қараб чиқилган. Шунингдек, Самарқанд вилоятида ҳар бир маҳаллада ҳафтанинг ҳар бир куни тизимли равишда бирор муаммони ўрганишга ва уни ҳал қилишга қаратилган ишларни амалга ошириш масаласи қараб чиқилган. Аниқ маълумотлар асосида Самарқанд шаҳридаги “Қуйи Хўжа соат” маҳалласида 2015-2022 йиллар давомида аҳоли бандлиги ва унинг таркибий тузилишидаги ўзгариш динамикаси бўйича таҳлилий материаллар берилган ва улардаги ҳолат ўрганилган.

**Калит сўзлар:** маҳалла, иш ўринлари, ўзини ўзи банд қилиш, имтиёзлар, солиқ, бандлик даражаси, аҳоли бандлиги.

**Кириш.** Ҳозирги кунда мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни шакллантириш дастури бўйича жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизда “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” III йўналиши миллий иқтисодийни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашга қаратилган 34-мақсад бўлиб, унда: “Худудларнинг муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тизимини ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш” ҳамда VI. йўналиши миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш бўлимининг 85-мақсади: “Мамлакатда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали 2026 йил якунига қадар камбағалликни камида 2 бараварга қисқартириш” масалалари кўйилган [1]. Булардан ҳам кўриниб турибдики, мазкур соҳани ривожлантириш мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамият касб этадиган объектив зарурият ушбу мавзунинг долзарблигини белгилайди.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасини назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш, аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш ва камбағалликнинг турли масалалари ва камбағалликни қисқартириш бўйича Қ.Х.Абдурахмонов, М.Қ.Пардаев [6], М.М.Мухаммедов, Н.К.Зокирова, Ш.Р.Холмўминов, Д.А.Артиқова, З.Я.Худойбердиев, К.З.Хомитов, Г.Қ.Абдурахмонова, Н.У.Арабов шуғулланиб келмоқдалар.

Аммо ушбу муаллифлар ишларида маҳаллалар кесимида хизмат кўрсатиш соҳасида ўзини-ўзи банд қилиш афзалликлари, қолаверса камбағалликни қисқартириш механизмлари тадқиқот объекти сифатида батафсил ўрганилмаган. Инновацион иқтисодиёт шароитида мамлакатимизда жамиятнинг бошланғич ўзаги бўлган маҳаллаларда хизмат кўрсатиш соҳасида ўзини-ўзи банд қилиш фаолияти ривожланиши бўйича методологик ва концептуал ёндашувларнинг етарлича асосланмаганлиги ва тизимлаштирилмаганлиги тадқиқот мавзусининг долзарблигини ифодалайди ҳамда унинг мақсади ва вазифаларини тўғри аниқлашга ҳам имкон беради.

**Тадқиқот методологияси.** Мақолани тайёрлаш ва тегишли хулосаларни шакллантиришда мантиқий, иқтисодий ва қиёсий таҳлил, макон ва замон, тизимли ёндошув каби усуллардан фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Маҳаллада янги иш ўринларини яратиш ва аҳолининг бандлигини таъминлашда ёшларнинг ўрнини оширилишига ҳам тегишли шароитлар яратилди. Ҳозирги кунда ҳар бир маҳаллада маҳалла раиси, сектор раҳбари, профилактика инспекторлари билан биргаликда ёшлар етакчиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлардан кўча сардорлари биргаликда маҳалланинг истиқболи учун бир жон, бир тан бўлиб фаолият кўрсатмоқда. Буларга яна таълим муассасаси директори ва унинг ўринбосари ҳам масъул қилиб белгиланганлар.

Ҳар бир маҳаллада ҳафтанинг ҳар бир куни тизимли равишда бирор муаммони ўрганишга ёки бирорта хайрли тадбирларни ўтказишга мўлжалланган. Жумладан, Самарқанд шаҳрида жойлашган маҳаллалардаги ёшлар етакчисининг ҳафталик иш режаси тасдиқланган бўлиб, булар қуйидагича тақсимланган (1-жадвал).

1-жадвал

Самарқанд шаҳридаги маҳаллаларнинг ҳафталик иш тартиби

Ҳафтанинг кунлари	Ҳар бир кунга белгиланган тадбирлар	Масъуллар ва тадбирлар амалга ошириладиган жойлар
ДУШАНБА	Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал қилиш	Маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли ва профилактика инспектори билан бирга ҳафта давомида амалга ошириладиган ишларни келишиб олинади ва шу ҳафтада қандай муаммоларни ҳал қилиш чора-тадбирлари белгиланади.
СЕШАНБА	Китобхонликни тарғиб қилиш ва амалга ошириш	Беш ташаббус доирасидаги китобхонликни давом эттириш ва белгиланган тартибда китобхонлик мусобақаларига ёшларни жалб этиш. Доимий равишда Stashabbus.uz сайти орқали ахборотлар билан танишиб туриш ва ундаги янги вазифаларни ҳам бажариш
ЧОРШАНБА	Тадбиркорлик ва бандлик масалалари кун	“Бандлик дастури”га киритилган ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорликда ишлаш ва кунлик ҳисобот юритиш.
ПАЙШАНБА	Профилактика тадбирларини олиб бориш	Маҳаллада вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олишнинг самарали тизимини яратишга қаратилган “Харакатлар режаси”га киритиладиган ёшлар рўйхатини шакллантириш ва улар билан тизимли ишларни олиб бориш
ЖУМА	Ҳарбий ватанпарварлик ва	Туман (шаҳар) ёшлар ишлари бўлимида ушбу масала бўйича берилган топшириқларнинг ижроси билан

	Заковатга тарғиб қилиш ва амалга ошириш	шуғулланиш ҳамда кун давомида амалга оширилган ишлар юзасидан туман (шаҳар) бўлимига ҳисобот топширишда янги иш ўринларини яратиш бўйича таклиф ва тавсияларни ҳам мунатзам бериб туриш
ШАНБА	Маданий тадбирлар кунни бўлиб турли йўналишларда амалга оширилади.	Ўқув марказлари билан ҳамкорликда ёшлар, айниқса уюлмаган ёшларни хорижий тилларни ўрганишга жалб этиш “Ибрат фарзандлари” лойиҳасини тарғиб қилиш. Ҳафта давомида амалга оширилган ишларини ОАВ ва ижтимоий тармоқларда доимий ёритиб боришни ҳам тизимли равишда ташкил қилиш
ЯКШАН-БА	Дам олиш кунини, бироқ кимнинг имконияти бўлса ўша тадбирлар давом этади	Маҳалладаги ёшларнинг қизиқишлари ва маҳалла инфра-структурасига қараб, мазкур тадбирлар режасининг кунлари ёки вақтларини ўзгариши ва зарур ҳолларда ушбу кунни ҳам мазмунли ўтказиш учун ёшларнинг ташаббуслари билан турли тадбирларни ташкил қилиш

Маҳалла мутасаддилари тегишли идоралар билан ҳамкорликда фаолият олиб боришни таъминлаш учун маҳалладаги вазият бўйича туман (шаҳар) шўъба мудирига тизимли равишда ахборот бериб ва янги топшириқларни олиб туришлари белгиланган. Ҳар ҳафтанинг бошида маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли ва профилактика инспектори билан бирга ҳафта давомида амалга ошириладиган ишларни келишиб олинади. Бу тадбирлар таркибида асосий эътибор, янги иш ўринларини яратиш, бандлик масаласи, айниқса ўзини ўзи иш билан таъминлаш масаласи мутасаддиларнинг доимий диққат марказида бўлади. Бу ишда “Ёшлар баланси”, “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар портали” электрон платформаларидаги маълумотларни янгилаб, таҳлил қилиб борилади. Бунда ҳам ўзини ўзи иш билан банд қилиш масаласи эътиборда бўлади [5].

Маҳаллада эътибор қаратиладиган муҳим масалалардан бири Президентимиз қўйган беш ташаббуснинг барча йўналишлари бўйича қандай ишлар олиб борилаётганлигига эътиборни қаратиш вазифаси ҳам юклатилган. Ушбу ташаббуснинг барча йўналишлари бўйича мусобақаларга ёшларни жалб этиш (Stashabbus.uz сайти орқали рўйхатдан ўтказиш) каби масалалар ҳам аниқ дастурлар асосида амалга оширилиб борилади. Маҳаллада электрон платформалар орқали келиб тушган ҳамда “оғир” тоифадаги ёшларнинг мурожаатларини манзилли хонадонбай бориб ўрганишга ҳам тегишли мутасаддилар вақт ажратиб, бу борада ҳам тизимли ишлар олиб борилади. “Оғир” тоифадаги ёшлар билан ишлаш ва бириктирилган ташкилотлар билан ижроси бўйича сектор раҳбарига ахборот бериб, улар билан ҳам мулоқот майдони ташкил қилинган бўлиши лозим.

Ҳар бир иш ижросини назорат қилиб боришни ҳам йўлга қўйилган. Ўтган ҳафта берилган топшириққа асосан кўча кесимида шаклланган сардорлар рўйхати бўйича туман бўлимига бажарилган ишлар ҳақидаги маълумотлар ҳам тақдим этиб борилади. Бунинг ижроси бўйича расм (фото), турли жадвал маълумотлари ва объективка шаклидаги ҳисоботлар ҳам олиб борилади. Маҳалладаги таълим муассасасининг инфратузилмасидан келиб чиққан ҳолда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида тадбирлар ташкил этиш ҳам кун тартибидаги муҳим масалалардан бири сифатида ҳамisha маҳалла мутасаддилари эътиборида бўлади [4].

Ушбу ишларни амалга оширишда маҳалладаги аҳвол юзасидан маҳаллага мутасаддилар тўлиқ маълумотга эга бўлишлари лозим. Шу мақсадда Самарқанд шаҳридаги “Қуйи Хўжа соат” маҳалласида 2015-2022 йиллар давомида аҳоли бандлиги ва унинг таркибий тузилишидаги ўзгариш динамикаси бўйича таҳлилий материалларни тайёрладик. Бу маълумотлар ушбу жадвалда келтирилган (2-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотлари битта худуд мисолида аҳолининг бутун аҳволини таҳлил қилиш имкониятини яратади. Маҳаллада расмий иш билан банд бўлмаса-да, ўзини ишсиз ҳисобламайдиган меҳнатга қобилиятли аҳоли анча. Аммо улар ҳамон ўзини ўзи иш билан таъминлаш масаласидаги имконият ва имтиёزلарни тўлиқ тушуниб етмаяпти. Шу туфайли маҳаллада 2021 йилгача қайд этилмаган.

**Самарқанд шаҳридаги “Қуйи Хўжа соат” маҳалласида 2015-2022 йиллар давомида аҳоли бандлиги ва унинг таркибий тузилишидаги ўзгариш динамикаси бўйича таҳлилий материаллар**

Кўрсаткичлар	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил
1. Аҳолининг сони, жами, киши	2611	2869	2904	2983	3020	3130	3180	3265
2. Жумладан аёллар сони, киши	1303	1413	1428	1457	1475	1519	1527	1489
3. Пенсиялар сони	240	268	260	253	234	248	260	285
4. 16 ёшгача бўлган болалар сони, киши	318	362	328	301	351	364	396	308
5. Бола парвариши билан банд бўлганлар сони, киши	198	211	249	278	297	306	325	280
6. Меҳнатга қобилиятли аҳоли сони (1қ-(3қ+4қ+5қ))	1855	2028	2067	2151	2075	2212	2199	2392
7. Аҳоли бандлиги жумладан	618	605	518	579	662	755	807	948
7.1. Бандлик даражаси, % (7қ*100/6қ)	33,3	29,5	25,1	26,9	31,9	34,1	36,7	39,6
8. Тадбиркорлик билан банд бўлганлар, киши	2	3	6	9	10	15	24	122
9. Касаначилик билан банд бўлганлар сони, киши	0	0	0	0	0	0	0	0
10. Миллий ҳунармандчилик билан шуғулланув-чилар сони, киши	0	0	0	0	0	0	0	0
11. Савдо-сотик билан шуғулланувчилар сони, киши	24	39	42	48	56	69	80	320
12. Чорвачилик, паррандачилик ва асаларичилик билан банд бўлганлар сони	0	0	0	0	0	0	4	0
13. Тадбиркорликнинг бошқа соҳаларида банд бўлганлар сони, киши	0	1	4	5	9	10	12	32
14. Мавсумий ишлар билан банд бўлганлар сони, киши	163	147	168	191	279	367	365	185
15. Узоқ муддат хорижий давлатларга иш излаб кетганлар сони, киши	416	397	341	307	291	274	285	254
16. Талабалар сони, киши	2	4	4	7	9	11	16	8
17. Ишловчи пенсионерлар сони, киши	11	14	16	12	8	9	7	15
18. Ишсизлар сони	0	0	0	0	0	0	4	12
19. Қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ кўрсаткичлар (рақами борлари олинди)	-	-	-	-	-	-	-	-
20. Томорқаси бор хонадонлар сони	160	191	203	216	239	264	270	220
21. Томорқасида иссиқхона ташкил этган хонадонлар сони	0	0	0	0	0	1	4	3
22. Томорқадан фойдаланаётган оилалар сони	78	79	84	88	96	114	130	130
23. Уй ҳайвонлари мавжуд хонадонлар сони	147	159	167	147	143	139	132	209
24. Йирик шохли қорамоллар, бош	19	26	24	43	49	57	73	210
25. Қўй ва эчкилар, бош	104	97	82	128	131	149	154	320
26. Отлар, бош	1	1	1	2	2	3	5	21
27. Қуёнлар, бош	0	0	0	0	0	0	0	12
28. Уй паррандалари бор оилалар сони	42	48	54	61	66	74	80	132
29. Жами уй паррандалари, бош	186	227	254	297	364	413	500	680

Бугунги кунда ўзини ўзи банд қилганлар, якка тартибдаги тадбиркорлар (ЯТТ) ва оилавий корхоналарга аҳолининг бандлигини таъминлашда муҳим роль ўйнамоқда. Шу туфайли Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йил 8 июнь куни бизнес ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш бўйича қарори имзоланди. Мазкур қарор билан ўзини ўзи банд қилганларга – 1 июлдан бошлаб бир қанча имтиёзлар берилган.

Муҳими 2020 йил 1 июлдан бошлаб барча ҳудудларда ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари ҳудуднинг имкониятларидан келиб чиқиб, уларнинг рўйхати кенгайтирилади. Умумий рўйхатга мазкур қарор бўйича бир йўла 43 та йўналиш, асосан онлайн ва медиа хизматлар қўшилди. Бу ўзини ўзи банд қиладиган аҳолига катта қулайликлар ва имкониятларни очиб берди.

Яна бир қулайлик айнан шу 1 июлдан бошлаб уларга бериладиган вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари бекор қилинади. Бу ўз навбатида ўзини ўзи банд қилганлар учун ортиқча ташвиш камайди. Булар энди хабар бериш тартибида махсус мобиль илова ёхуд солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали рўйхатдан ўтишлари мумкин. Қарорда қайд этилганидек, энди рўйхатга олиш далили матрицали штрих код (QR-код) билан тасдиқланади ва барча муносабатлар шу орқали амалга оширилади.

Шуни қайд этиш жоизки, ўзини ўзи банд қилганлар 2020 йилдан бошлаб ҳар йили бир йил учун ижтимоий солиқни ҳақиқатда ишлаган вақтидан қатъи назар, базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 50%и ҳажмида тўлайди. Бу 165,0 минг сўмни (330,0/2) ташкил қилади. Ушбу сумма тўлиқлигича бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига йўналтирилади ва ундан келиб чиққан ҳолда ЯТТлар учун пенсия миқдори белгиланади. Ўзини ўзи банд қилганлар учун қулайликлардан бири, ушбу соҳага илгаригидек ёлланма ишчиларни жалб қила олмайди, иш берувчига эга бўла олмайди. Буларнинг ҳар бири ўз тақдирини ўзлари ҳал қилади.

Интернет орқали хизматлар кўрсатувчи ёки ишлар бажарувчи ўзини ўзи банд қилганлар-фрилансерлар энди қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлди. Биринчидан, кўрсатилган хизматлар (бажарилган ишлар) учун чет элдаги норезидентлардан хорижий валютадаги тўловларни ТСОЯЭАТга тегишли маълумотларни киритмаган ҳолда Ўзбекистон банкларидаги ҳисоб рақамларига қабул қилиш имконияти яратилди.

Иккинчидан, контракт тузмасдан, келишув тўғрисидаги оммавий таклифни (оферта) қабул қилиш ёки электрон ёзишмалар алмашиш ёхуд ҳисобварақ-фактураларни (инвойс), шу жумладан, электрон шаклда тақдим қилиш йўли билан чет эллик жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар кўрсатиш ва ишлар бажариш имкониятига ҳам эга бўлди.

Муҳим жиҳатлардан бири, давлатнинг бизнес вакиллари билан ўзаро муносабатларида бюрократия анча камайиш имконияти ҳам яратилди. Биргина мисол, олдингидек юридик шахсларнинг жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда қайта рўйхатдан ўтказиш талаб этилмайди. Фақат унинг катта миқдорларда солиқ қарздорлиги мавжуд бўлмаган тақдирда. Агар ҳаммаси меъёр даражасида бўлса, фақат хабар бериш тартиби жорий этилади, холос.

Мазкур Қарор билан якка тартибдаги тадбиркорлар учун яна иккита қулайлик яратилди [2]. Булар, биринчидан, уларни солиқ органларида ҳисобга қўйиш уларни давлат томонидан рўйхатдан ўтказилаётганда (қайта рўйхатга олинаётганда) тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш жойи бўйича амалга ошириладиган бўлди ва иккинчидан, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномада эгасининг фотосурати акс эттирилиши ҳам кўзда тутилган бўлди.

Оилавий корхоналарга берилган имтиёзлар ҳам эътиборга молик. Энди улар ўзини ўзи банд қилганлар учун назарда тутилган фаолият турлари билан шуғулланса ва ишгирокчилари сони камида 3 нафар бўлса уларнинг айланмадан тўлайдиган солиқлари белгиланган миқдордан 50 %га камайтирилган ставкада тўлашга ҳақли эканлиги ҳам белгилаб қўйилди.

**Хулоса ва таклифлар.** Тадқиқот натижасида ўзини ўзи иш билан банд қилиш тизи-

мининг жорий қилиниши ва яқка тартибдаги тадбиркорларга бир қанча имтиёз ва енгилликлар берилганлигига гувоҳ бўлдик.

Биринчидан, ўзини ўзи банд қилиш натижасида тадбиркорлик фаолиятининг тегишли ҳудуддаги рақобатбардош турини эркин танлаш ҳуқуқи қўлга киритилди.

Иккинчидан, кредит олиш учун зарур бўлган бизнес-режа лойиҳаси ва ҳужжатлар тўпламини шакллантириш, тегишли тадбиркорлик фаолияти учун тақдим этилган имтиёз ва преференциялар тўғрисида маълумот олиш масалалари ҳам бюрократик тўсиқларсиз амалга ошириладиган бўлди.

Учинчидан, ўзини ўзи банд қилган ва ЯТТ учун тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида кўчмас мулк объектларини танлаш имкониятлари ҳам яратилди. Ушбу имтиёз ва қулайликлар оилавий тадбиркорларлик билан шуғулланадиганлар учун ҳам мўлжалланган.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-62-сон Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5975-сонли Фармони.

4. Mamayunus Pardaev, Ozoda Pardaeva, Obid Pardaev. Innovative models of Synergistic efficiency. LAMBERT academic Publishing, 2022. – 109 p.

5. Пардаев М.Қ., Олтаев Ш., Пардаева О.М., Тагирова Н.Б. Ҳар бир оилада тадбиркорлик – ўзини-ўзи банд қилиш имконияти. Амалий тавсия. Самарқанд, СамИСИ. 2018. – 214 бет.

6. Пардаев М.Қ., Пардаева О.М. Камбағалликни баҳолаш ва уни камайгириш йўллари. Илмий-услубий тавсия. Самарқанд, СамИСИ. 2020. – 68 бет.

7. Пардаев М.Қ. Пардаева О.М., Пардаев О.М. Иқтисодиётни стратегик ривожлантиришнинг инновацион моделлари. Монография. / – Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uy”, 2022. – 228 бет.

<p><b>А. Латипов</b></p> <p><b>Потенциальные возможности для создания новых рабочих мест и увеличения занятости в махалле</b></p> <p><b>Аннотация:</b> В данной научной статье исследуется проблематика создания новых рабочих мест и повышения уровня занятости в махалле. Анализируются средства и возможности, связанные с разработкой таких мероприятий. Дополнительно, в Самаркандской области проводилось ежедневное систематическое изучение и решение проблем в каждой махалле. В статье представлены аналитические материалы о динамике изменения занятости и структуры населения в махалле «Куйи Хужасакхат» города Самарканда за период с 2015 по 2022 годы. Данные основаны на точных фактах и подробно исследуют положение в данной области.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> махалля, рабочие места, самозанятость, льготы, налог, уровень занятости, занятость населения.</p>	<p><b>A. Latipov</b></p> <p><b>Potential opportunities for creating new jobs and increasing employment in the mahalla</b></p> <p><b>Abstract:</b> This scientific article examines the issues of creating new jobs and increasing the level of employment in the mahalla. The facilities and possibilities associated with the development of such events are analyzed. Additionally, in the Samarkand region, a daily systematic study and solution of problems was carried out in each mahalla. The article presents analytical materials on the dynamics of changes in employment and population structure in the Kuyi Hojasakhat mahalla of the city of Samarkand for the period from 2015 to 2022. The data is based on accurate facts and explores the situation in this area in detail.</p> <p><b>Keywords:</b> mahalla, workplaces, self employment, privileges, tax, employment rate, population employment.</p>
---	---

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

07.09.2023 йилда теришга берилди. 22.09.2023 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт  
табоғи 13,6. Адади 100 нусха. Буюртма № 0074А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023